РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Бердалиева Гуласал Абдукундузовна - (PhD), доцент, Қ.Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ мустақил тадқиқотчиси

Бугунги кунда юқори малакали кадрларни тайёрлаш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш шунингдек, умумий ўрта таълим тизимида замонавий фикрлайдиган, инновацияларни қўллаб қувватловчи, рақобат ўсиб бораётган таълим хизматлари бозорида табақалашган таълим дастурларини таклиф эта оладиган мактаб ўқитувчиларига эҳтиёжни оширмоқда. Шу нуқтаи-назардан умумий ўрта таълим тизими ўқитувчилари узлуксиз касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг педагогик стратегиясини ишлаб чиқишнинг мазмуни, талаблари ва йўналишларини методологик ёндашувлар ва умумдидактик тамойиллар асосида такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Узлуксиз касбий ривожланиш узлуксиз таълимнинг таркибий қисми ва тегишли равишда катталар таълими жараёни ҳисобланар экан, унинг мақсади илгари эгалланган касбий билимларни янгилаш ва чуқурлаштириш, касбий фаолият билан боғлиқ бўлган таълимий эҳтиёжларни қондиришдан иборат.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг рақамли технологиялар асосида шиддат билан ривожланиши замонавий жамиятда рақамли таълим муҳитини шакллантириш талабларини белгилаб бермоқда. Бу ўз навбатида рақамли таълим муҳитида мустақил ҳаракатланиш имкониятига эга, ўз соҳасининг билимдони бўлган, профессионал малакаларни юқори даражада эгаллай олган, рақамли технологияларидан фойдаланиш маҳоратига эга, ахборотларнинг шиддатли оқими билан ишлашда ахборот хавфсизлигини таъминлай олиш қобилиятларига ҳамда юқори даражали касбий компетентликка эга кадрларга эҳтиёж туғдирмоқда. Шундай экан, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини узлуксиз касбий ривожланиш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир[1].

Рақамли технологик ёндашувнинг методологлари ахборот тушунчалари мавжуд талқинларининг объектив асосларини тан ола туриб, шу вақтнинг ўзида

уларнинг нисбатан ҳақиқийлиги тўғрисида фикр билдирадилар. Ягона талқин қилишнинг мураккаблиги "классик" фаннинг атамалари орқали "ноклассик" феноменни унинг ўзига мос равишда акс эттиришнинг мумкин эмаслиги; ахборотли жараённи тушунишда унинг алоҳида қисмлари, мураккаблик даражалари ва бошқалар нуқтаи назаридан қамраб олмайдиган ўта тор эмпирик асосдан фойдаланиш билан тушунтирилади.

Фалсафий адабиётларда рақамли таълим муҳити тўғрисидаги тасаввурлар атрибутив (томонли) ёки функционал-кибернетик (кўринишли) ёндашувга асосланадилар. Биринчи нуқтаи назар рақамлашган ахборотни ҳаракатланаётган материянинг хоссаси, объектив реалликнинг хоссаси сифатида талқин қилади[2].

Иккинчи нуқтаи назар рақамлашган ахборотни мустақил бошқариладиган, мустақил ташкил қилинадиган тизимларнинг хоссаси сифатида кўриб чиқиш билан боғлиқ.

Бундан ташқари, рақамлашган ахборот ўз моҳиятига кўра, рақамли мазмунлар ва маъноларнинг ўзаро алмашуви ва ўзаро тўлдируви жараёнини акс эттирувчи шахслараро ва гуруҳли коммуникация ва кооперация асосида ётиши тан олинади. Умуман олганда эса, рақамли ва самарали ахборот алмашинуви, шахсий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий манбалари ва ресурслари бўлиб хизмат қилиши илмий ва амалий даражада ягона маънода тан олинган.

Рақамли технологиянинг методологик қиймати, фундаменталлиги, универсаллиги ундан асос бўлувчи ғоя сифатида фойдаланиш имконини беради. Айнан шу ёндашув рақамли таълим жараёнларини ягона нуқтаи назардан кўриб чиқиш имконини беради[3].

Рақамли таълим муҳити назариясининг юқори эвристик имкониятлари педагогик ҳодисаларнинг рақамлили табиатини очиш, таълим жараёнининг услубий-дидактик таъминотининг хусусиятларини аниқлаш, педагогик рақамлашган ахборотларни баҳолашни амалга ошириш ва унинг асосида таълим жараёнини оптималлаштириш имконини беради.

Таълимий фаолият бошқа ҳар қандай педагогик асосдаги жараён каби, ўз табиатига кўра рақамлидир, чунки у турли хил рақамлашган ахборотлар билан амаллар бажаришни назарда тутади. Бундан ташқари таълимий фаолият уни қайта ишлашдан иборат бўлиб, В.Гаспарскийнинг фикрича, воқеъликни ўзгартиришнинг рақамли тайёргарлигидир[4].

Фан ва амалиёт ривожланишининг ҳозирги шароитларида педагогиканинг фан сифатидаги чегараларини аниқлаш ва педагогик ҳодисаларни тавсифлаш, тушунтириш ва олдиндан айтиб бериш учун ишончли воситага эга бўлиш билан бирга ҳар бир педагогик тушунчани аниқлаштириш лозим Бу мақсад учун педагогик восита сифатида биз томонимиздан *рақамли технологик ёндашув* танланди.

Таълимнинг муаммоларини ҳал қилишда рақамли технологик ёндашув ва педагогик рақамлашган ахборотнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш В.И.Журавлев, В.М.Казакевич, ГА.Кручинина, Л.И.Фишман, В.А.Якунин ва бошқаларнинг ишларида кенг ёритиб берилган.

Шундай бўлса-да, олимларнинг бу муаммога юқори даражадаги қизиқишларига қарамай, ҳозирги кунга келиб, таълимга рақамли технологик ёндашувнинг илмий асослари ва унинг эвристик салоҳияти ҳозирча аниқланмаган, илмий изланиш методлари ишлаб чиқилмаган, ҳал қилинишида рақамли таълим муҳити назариясининг қоидалари қўлланилиши мумкин бўлган педагогик муаммолар доираси аниқланмаган.

Таъкидлаш муҳимки, педагогикада рақамлаштиришнинг умумий концепциясининг қўлланилиши, таълим жараёнини педагогик тадқиқ қилишнинг анъанавий йўналишини унинг иштирокчиларининг рақамли-таълимий муаммолари жараёни билан алмаштириш имконини беради.


Рақамлаштириш илмий-техника ривожланишининг илғор тенденцияларидан бири сифатида замонавий жамиятнинг кўпгина томонларини қамраб олган. Рақамлашган ахборот индустрияси, рақамли технологиялари жадал равишда яратилмоқда.

Рақамли технологик ёндашувнинг эмпирик негизи ўқув рақамли ахборотларини қайта ишлаш, узатиш, сақлаш ва ўзгартиришнинг ҳозирда мавжуд бўлган амалий тажрибаларини таҳлил қилиш, уни умумлаштириш ва муайян қонуниятларини аниқлашга асосланади.

Бугунги кунда узлуксиз касбий ривожланиш муассасаси: педагогнинг шахсий салоҳиятини фаоллаштириш, унинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини намоён этиш, касбий муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий тажриба тўплаш жараёнида ўз-ўзини ривожлантириш имконини бера олиши лозим. Олимларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларнинг касбий ўз-ўзини ривожлантириш камида уч томонлама стратегияларни белгилаш асосида амалга оширилиши мумкин(1-расм).

Қачонки педагогнинг билимлари, кўникма ва малакалари онгли равишда ўз-ўзини такомиллаштиришга ички ундов билан қабул қилинсагина у ишланади. Ўқитувчининг ўз меҳнати натижаларидан қониқмаслиги ҳисси унда ўзининг касбий фаолиятини ўзгартириш эҳтиёжини уйғотади, педагогик қийинчиликларнинг сабабларини англаш эса, ўқитувчини уларнинг ечимини излашига олиб келади ва педагогда ўзининг педагогик маҳоратини ривожлантириш устида ишлашига ижобий мотивациясининг шаклланишига кўмаклашади. В.А.Кан-Калик ва Н.Д.Никандров педагогик ижоднинг ривожланиши муаммоларини таҳлил қилиб, ижодга ўргатиш имкониятини шунингдек ижобий касбий шахсий мотивацияни таъминлаш билан боғлайдилар.

Ўқитувчига у томонидан қўйилмаган масаларни ечиш зарур бўлганида бу "ижодий имкониятни тўхтатиши, расмийликка олиб келиши ва асосийси ҳаётий, ҳақиқий аҳамиятли масалалар деярли аниқланмаганлигича қолиши" аниқланган[5].



1-расм.Умумтаълим мактаби ўқитувчиларининг ўз-ўзини касбий ривожлантириш стратегиялари

Ихтиёрий фаолият жараёнида мотивациянинг аҳамиятли роли Ю.К.Бабанскийнинг тадқиқотларида ўрганилган. У "ихтиёрий фаолиятни оптимал бошқариш қонуниятларидан, мазкур фаолиятнинг керакли мотивацияси, унга ижобий муносабат таъминланмаса, белгиланган вақтда зарур самарага эришиш мумкин эмас" деб таъкидлаган. Шунинг учун ўқитувчига ўз кучига ишониш имкониятини бериш жуда муҳимдир. Педагогик диагностикадан ўтказиш асосида ишни ташкил этишда, ўқитувчи ўзининг касбий қийинчиликларини ечишда ҳамкасбларининг ёрдамларини олиши ва бир вақтнинг ўзида ўзининг ҳамкасблари учун педагогик тажриба манбаи бўлиши мумкин бўлган вазиятларни яратиш зарур. Педагогнинг ҳамкасбларига ёрдам кўрсатишида ўз-ўзини амалга ошириш имконияти билан мустаҳкамланган унинг муваффақиятлилиги, унда ижобий ҳис-туйғуларнинг юзага келишига кўмаклашади ва ўз-ўзини ривожлантиришга йўналганлигини оширади[6].

Педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши бир неча жиҳатдан амалга ошади, энг катта қизиқиш бу касбий фаолият субъекти сифатида шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришидир.

Шундай қилиб, касбий ўзини ўзи ривожлантириш деганда, биз касбий фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантиришга ҳисса қўшадиган, илғор

тажрибаларни ва ўзларининг мустақил фаолиятини тушунишга ёрдам берадиган, шунингдек, ўзини ўзи билиш ва ўзини такомиллаштириш воситаси бўлган кўп компонентли шахсан ва касбий аҳамиятга эга жараённи назарда тутилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Власова Е.А. История становления проблемы процесса саморазвития –М.: Фолио, 2007 г.

2. Маркова О.И. Профессиональное саморазвитие педагога. – М.: Высшая школа, 2004.

3. Педагогика: учеб. пособие для студентов. / авт.-сост. Л.А.Кабанина, Л.Н.Смотрова, Е.А.Власова. – М.: МГУ, 2006 г.

4. Панова Н.В. Личностно – профессиональное развитие педагога на разных этапах жизненного пути: монография СПб: АППО, 2009 г.

5. Н.Абдумаликова. Бўлажак педагогларнинг касбий ўзини ўзи ривожлантириш муаммоси**.** March 2022. Общество и инновации 3(1/S):153-158

6. А.Х.Махмудов, З.Б.Абдурахмонов Таълимда замонавий рақамли технологияларидан фойдаланишнинг ютуқлари ва муаммолари // Academic research in educational sciences. 2021. №CSPI conference3. С. 97-99. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/talimda-zamonaviy-ra-amli-tehnologiyalaridan-foydalanishning-yutu-lari-va-muammolari